

Қуръон тиловати фазилатли амал экани | Қуръони Карим дарслари (186-дарс)



19:00 / 19 январь 840

نَارُ الْقَوْلِ أَرْقُ نَمَ: لَأَقَمَّ لَسَوَّ هُوَ لَعْلَلِ ائِلَّصَّيَّ بِنَلَا نَعُ، هُوَ لَعْلَلِ ائِلَّصَّيَّ لَعْنُ
نَمْرَةَ رَشَعِ يَفُ هُوَ عَفَشَو، هُوَ نَجْلَلِ وِبُ هُوَ لَعْلَلِ ائِلَّصَّيَّ دَأَمَّ ائِلَّصَّيَّ حَافُ هُوَ رَهْطَتَسَاو
رَأْنَلَا هُوَ تَبَجَّوْ هُوَ لَكَّ هُوَ تَبَلَّهْ

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Қуръонни ўқиса ва ёд олса, у ҳалол қилган нарсани ҳалол билса, у ҳаром қилган нарсани ҳаром билса, Аллоҳ уни бу туфайли жаннатга киритади ва ўз аҳлидан ўн кишига шафоатчи қилади. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммасига дўзах вожиб бўлган эди», дедилар».

Шарҳ: Қуръони Каримни ёдлаб, унга амал қилган ва Қуръони Карим ҳалол қилган нарсани ҳалол билиб, ҳаром қилган нарсани ҳаром билган одам катта шарафга эга бўлар экан.

Аввало, Қуръони Карим шарофатидан унинг ўзи жаннатга кирар экан.

Қолаверса, ундай киши дўзахга тушишлари аниқ бўлган ўнта қариндошига шафоатчи бўлиб, уларни ўзи билан жаннатга олиб кирар экан.

Аллоҳ таоло бунга ўхшаш катта имконни ҳар кимга ҳам ваъда қилган эмас. Шундан ҳам Қуръони Каримни ёдлаш ва унга амал қилиш қанчалар улур иш эканини билиб олаверсак бўлади.

Бас, иш шундай бўлганидан кейин Қуръони Каримни ёд олайлик ва унга амал қилайлик.

هُلِّلْ نَدَامًا لِّأَقْمَلَسْ وَهِيَ لَعْلَلِ لَّصِيْبِنِ لِنَعُ، نَعْلَلِ لِي ضَرَّ مَأْمُ أَيَبَّ نَع
أَمْ ذَبَعْلَ سَأَرْ لَعْلَلِ رُبْلَانِ، أَمْ هِيَ لِي صِيْبِنِ نَعْلَلِ كَرْمَ لَضْفَأِي شِي فِ ذَبَعْل
نَأْرُقْلِي نَعْلَلِ هُنَّ مَجْرَحَ أَمْ لِي مَبْهَلِ لِي دَابْعَلِ بَرَقَتِ أَمْ وَهِيَ لِي صِي فِ مَاد

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ ҳеч қачон бандага у ўқиган икки ракъат намозда қулоқ солганидек қулоқ солмайди. Модомики банда намозда экан, унинг бошидан яхшилик сочилиб турур.

Бандалар Аллоҳга Ундан чиққан нарса, яъни Қуръон билан қурбат қилганчалик қурбат қилмайди», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда банданинг Аллоҳ таолога энг яқин бўладиган ҳолатлари ҳақида сўз кетмоқда.

«Аллоҳ ҳеч қачон бандага у ўқиган икки ракъат намозда қулоқ солганидек қулоқ солмайди».

Шунинг учун ҳам банда Аллоҳ таолодан сўрайдиган нарсасини намозда сўраб олмоғи керак. Айниқса, саждада бўлган ҳолдаги дуо жуда ҳам мақбулдир.

«Модомики банда намозда экан, унинг бошидан яхшилик сочилиб турур».

Шунинг учун ҳам қориларимиз Рамазони шарифда таровеҳ намозларида Қуръони Каримни хатм қилиб бўлганларида, «Наас» сурасини ўқиганларидан сўнг дарҳол «Бақара» сурасидан бир оз тиловат қилиб, яқунига етказадилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 30-жуз

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.